ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШИРИН ШАҲАР КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2019 йил "17" декабрь **43-183 - сон** **Ширин шахри**

2020 йилги шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсатгичларини белгилаш тўғрисида

2020 йилги шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиклаш ҳамда маҳаллий бюджетдаромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсатгичларини белгилаш максадида Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 24-моддаларига мувофик халк депутатлари Ширин шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Сирдарё вилояти халк депутатлари вилоят Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йилги вилоят маҳаллий бюджетини тасдиклаш ҳамда туманлар, шаҳаралар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини белгилаш тўғрисида"ги 48/53-5-сонли карорига мувофик вилоят бюджетидан 2020 йил учун Ширин шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 14,0 млрд сўм миқдорида эти тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қонунга асосан:

а) юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари вилоят ва шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида таксимланиши белгиланганлиги назарда тутилсин.

б) вилоят бюджетига қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар ўтказилиши белгилансин:

электр станциялари томонидан ғўланадиган, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёкилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий ҳокимликлар активлари бўйича давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва дивидендлар;

давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мутаносиб равишда ўтказиб берилсин.

г) қуйидаги солиқлар шаҳар маҳаллий бюджетларига қолдирилиши белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бунда цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бунда электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан олинадиган солиқ.

д) шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг биринчи ва иккинчи

гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилиши;

е) шаҳар бюджетидан:

пенсия жамгармалари орқали кам таъминланган оилаларга тайинланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар;

шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилиши назарда тутилсин.

ё) шаҳар Кенгаши:

ижарага берилган жойнинг ёки якка тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жойнинг хусусиятларини, шунингдек кўрсатилаётган хизмат турининг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан кўлланиладиган 0,7 дан 1,3 гача пасайиб борувчи ва ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлиги эътиборга олинсин;

3. Шаҳар Кенгаши:

шаҳар маркази ҳамда бошқа аҳоли пунктлари учун алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғими учун белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган пасайиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлиги белгилансин.

4. Шаҳарнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага;

шаҳар бюджетининг даромадлари прогноз кўрсаткичлари 2-иловага;

шаҳар маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага;

шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳар газначилик бўлинмаси (Ж.Шодиев)га умумдавлат солиқларидан шаҳар маҳаллий бюджетига белгиланган ажратма меъёрлари бўйича таксимотни ўрнатилган тартибда амалга ошириш топширилсин.

6. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ҳамда харажатлари ижроси

натижасидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгиланган эътиборга олинсин.

8. Шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажми 368.9 млн сўм миқдорида белгилансин.

Қонунга мувофиқ, шаҳар ҳокимлик захира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда маҳаллий бюджетларни шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши инобатга олинсин.

9. Шаҳар маҳаллий бюджетидан йўл қўйиладиган энг кам айланма маблағлар 278.7 млн сўм миқдорда 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланишда:

Кенгашнинг ваколатли ҳокимлик таклифлари асосида қабул қилинган, шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари билан бу маблағлар биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

шаҳар ҳокимлиги тегишли бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 (ўн) фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириши шартлиги;

шаҳар ҳокими фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида тегишли Кенгашга ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги Қонунда белгиланганлиги эътиборга олинсин.

11. Шаҳар ҳокимлиги чорак якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасидаги "Даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари" ҳокимлик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 (беш) фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача прогноз қилинган маблағларнинг тушиши эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифини тайёрлаб киритсин.

12. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар фақат тегишли бюджет ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Шаҳар ҳокимлиги:

маҳаллий бюджетни биринчи навбатда иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни;

шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари;

давлат харидлари;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши натижалари ва бошқа зарур маълумотларни жойлаштирсин.

14. Шаҳар ҳокимлиги ҳар чорак якуни бўйича ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши натижалар бўйича шаҳар Кенгашига таҳлилли маълумотлар киритиб борсин.

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига юклатилсин.

16. Мазкур қарор расмий манбада эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Сессия раиси **У. Норматов**